

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири



Ж. Мирзамахмудов

2024 йил “ 18 ” 07

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигидаги Молиявий-иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлимида мавжуд вакант лавозимга ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг
31 - сон баёни

2024 йил “ 18 ” 07

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов комиссияси раиси

Қатнашганлар: Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигидаги Молиявий-иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлимида мавжуд вакант лавозим учун эълон қилинган танловнинг суҳбат босқичини ўтказиш тўғрисида

(Мирзамахмудов, Маматкаримов, Шукуров, Файзиев, Мирзамахмудов)

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб, вазирлик марказий аппаратидаги **Молиявий-иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлими бош мутахассиси** вакант лавозимига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимга номзодлар томонидан жами 37 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, муваффақиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан муваффақиятли ўтган 5 (беш) нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи Энергетика вазирлиги биносида очик мулокот шаклида бўлиб ўтди.


Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзоднинг жавоблари ўрнатилган тартибда муҳокама қилинди.


Комиссия аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**


1. Вазирлик марказий аппаратидаги Молиявий-иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлими бош мутахассиси лавозимига Расулов Алижон Абдувалиевич номзоди маъқуллансин.


2. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) голиб бўлган номзод билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид хужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.


3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.


Б.Р. Маматкаримов


Д.Л. Шукуров


А.А. Раупов


З.Н. Файзиев


О.И. Равшанова


Ф.Ф. Шарипов